

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАХМОНОВА БАРНО СОХИБЖОНОВНА

**ЁНГОҚ ЕТИШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

ТОШКЕНТ – 2023 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахмонова Барно Сохибжоновна

Ёнғоқ етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.

Рахмонова Барно Сохибжоновна

Совершенствование организационно-экономических основы выращивания орехов.....

Rakhmonova Barno Soxibjonovna

Improving the organizational and economic basis for growing nuts.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАХМОНОВА БАРНО СОХИБЖОНОВНА

**ЁНҒОҚ ЕТИШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

ТОШКЕНТ – 2023 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2018.3PhD/Iqt663 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сангирова Умида Равшановна,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Назарова Фотима Хакимовна,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Ирода Бахрамжановна,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиали**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс (99871) 237-38-79. E-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Қ.А.Чориев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида тобора кўпайиб бораётган аҳолини сифатли ва юқори каллорияга эга тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш долзарб саналади. Бу йўналишда ёнғоқчилик соҳаси алоҳида ўрин тутди. Чунки, ёнғоқчилик соҳаси озиқ-овқат таъминоти, истеъмол ва аҳоли даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланиб, дунё мамлакатларининг аҳолисини озиқ-овқат таъминотини яхшилаш воситаларидан бири сифатида катта аҳамиятга эгадир. Аммо, аксарият давлатларда экологик жараёнларнинг ёмонлашиши, йиллик ўртача ҳароратнинг кўтарилиши, ёнғоқчиликнинг йиллик ўртача даражасининг пасайиб, қурғоқчилик ҳолатлари кўпайиши каби омиллар ёнғоқ етиштириш, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ёнғоқ турларини оптимал жойлаштириш ва ёнғоқ етиштириш ҳажмини оширишга, шунингдек, ёнғоқ мевасининг сифати пасайишига олиб келиши ҳамда касалланишига сабаб бўлмоқда.

Глобал иқлимни ўзгариши шароитида дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва муассасалари томонидан ёнғоқ етиштириш ва уни қайта ишлаш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёнғоқнинг серҳосил турларини ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларга мос ҳолда танлаб олиш ва кўпайтириш, ёнғоқ ва ёнғоқ маҳсулотларини сотиш тизимида замонавий маркетинг усулларини жорий этиш, соҳада инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, юқори сифатли маҳсулотни саноат усулида етиштирилган танланган навлар кўчатларидан олиш, интенсив ёнғоқчиликнинг ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик параметрлар бўйича платформалар яратиш каби илмий тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз тоғли ҳудудларининг иқлим шароити ёнғоқ, бодом, писта каби дарахт кўчатларининг ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун нисбатан қулай макон ҳисобланади. Шу боис, ёнғоқ етиштириш ва ушбу маҳсулотни қайта ишлаш тармоғини барқарор ривожлантиришга йўналтирилган кенг тармоқли таркибий ислохотлар амалга оширилди. Аммо "... соҳада айниқса, мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд"¹. Шунингдек, республикада йиллик ёнғоқ истеъмоли бир кишига ўртача 1,8-2,4 кг² ни ташкил этгани ҳолда тиббий меъёрга нисбатан бу кўрсаткич 6,2 баробарга кам. Шу боис, бугунги кунда интенсив ёнғоқчиликни ривожлантириш ҳамда

¹С.Хасанов Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари. // Ж.: Экономическое обозрение, 2020. - №6 (246). - 56-61-бет.

²Ф.Ахроров, Н.Аvezov О'zbekistonning yong'oq ishlab chiqarish salohiyati va istiqbollari: Samarqand viloyati kesimida. Current issues of bio economics and digitalization in the sustainable development of regions. International scientific - practical conference. 764-769-бетлар.

тармоқ самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишасосида илмий-амалий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармонлари, 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида ёнғоқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш, грек ёнғоғи ҳосилдорлигини ошириш ва тоғ олди минтақаларида боғдорчиликни ривожлантириш масалалари билан хорижлик агроиқтисодчи олимлардан Н.Адем & Peter H.Jerie, Larry Harper, Dr. William Kurtz, Х.М.Назранов, З.З.Чемазокова, Л.Х.Салваридзе, О.А.Наконечная, А.А.Хашир, М.Бахшинежад³ каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш, кооперация муносабатлари, интенсив боғдорчиликни иқтисодий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ечимлар Ў.Умурзаков, Н.Хушматов, О.Жумаев, Х.Хушвақтова, Ш.Муродов, С.Эшматов,

³Н.Адем & Peter H.Jerie. “Walnut Industry. Research & Best Practice Implementation”. A report for the Rural Industries Research and Development Corporation. 2004. Publication № 04/032. Project No.Dav-164A.; Larry Harper, Dr. William Kurtz. “Economics of Eastern Black Walnut Agroforestry Systems”. School of Natural Resources, University of Missouri, USA. 2014.; Назранов Х.М., Чемазокова З.З. Урожайность ореха грецкого в Лескенском лесничестве. Сборник научных трудов международной научно-практической конференции “Аграрная наука и образование в условиях цифровизации экономики”. Нальчик. 2018. – 255-258 стр.; Салваридзе Л.Х. Приоритетные направления повышения эффективности горного садоводства. к.э.н. ... дисс авт. Краснодар. 1991. – 22 стр.; Наконечная О.А. Повышение эффективности производства продукции садоводства в специализированных организациях. дисс. авт... к.э.н. Новосибирск 2009. – 24 стр.; Хашир А.А. “Организационно-экономический механизм повышения эффективности промышленной переработки орехов в России” дисс. ... к.э.н. Краснодар, 2004 г.; Бахшинежад М. Сравнительные преимущества культур семейства ореховых в Иране” дисс. ... к.э.н. МГУ. Им. М.Ломоносова. 2012 г.

О.Сатторов⁴ каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Аммо, юқорида келтирилган олимларнинг ишларида ёнғоқ етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий самарадорлиги ва ташкилий-иқтисодий жиҳатлари тадқиқот предмети сифатида атрофлича ўрганилмаган. Ўзбекистон шароитида ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари эса нисбатан янги йўналиш бўлиб, мевачилик соҳасидаги бир қанча тадқиқотлар таркибида қисман ўрганилган холос. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш шароитида янгича ташкилий-иқтисодий механизмлар татбиқ этилаётган интенсив ривожланиш даврида ёнғоқ ва ёнғоқ маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотлари бозорини кенгайиб бораётгани, грек ёнғоғи ва бошқа ёнғоқ маҳсулотларини етиштириш, сотиш ва қайта ишлаш тизимини янада ривожлантириш борасида ёнғоқчилик соҳаси олдига тубдан янги вазифаларни қўймоқда. Шу нуқтаи-назардан, ёнғоқ етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсия ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурати ушбу муаммони диссертация мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФЗ-2020100071-сонли “Тоғ олди минтақасида ёнғоқ етиштириш ва сотишнинг самарали тизимини ташкил этиш орқали аҳоли даромадини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2021-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ёнғоқ етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёнғоқ етиштиришни ривожлантиришнинг иқтисодий заруриятини асослаш;

⁴Ў.П.Умурзоков, С.К.Эшматов. Мева-сабзавотчилик қиймат занжири таҳлили/<http://evu.uz/magazine/meva-sabzavotchilikda-qiyamat-zanjiri-tahlili.html>.; Н.С.Хушматов. Дунёнинг йирик мамлакатларида ёнғоқ етиштириш ва савдоси ўзгариши тенденциялари. //“Агроиқтисодиёт” – 2018. №2. – Б. 8-10.; О.Жумаев. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари. и.ф.н... дисс. авт. – Т.:, 2004. – 24 б.; Ҳ.С.Хушвақтова Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари. и.ф.н. ...дисс. авт. – Т.:, 2005. – 23 б.;Ш.Муродов Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш. и.ф.ф.д. ... дисс. авт. – Т.:, 2020. – 24 б.; С.Эшматов Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари. и.ф.ф.д. ... дисс. авт. – Т.:, 2021. – 26 б.; О.Сатторов Фермер хўжаликларида интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари. и.ф.ф.д. ... дисс. авт. – Т.:, 2021. – 28 б.

ёнғоқчилик соҳасининг ўзига хос хусусиятларини тизимлаштириш ва ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

ёнғоқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда мамлакатимиз учун аҳамиятли йўналишлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

худудларда ёнғоқ етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш;

ёнғоқ ва ёнғоқ маҳсулотларини сотиш тизимида замонавий маркетинг усулларини жорий қилиш ва қайта ишлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ёнғоқ етиштиришда талаб қилинадиган моддий ва меҳнат ресурслар сарфи меъёрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёнғоқ етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

соҳа ривожига таъсир этувчи омиллар таҳлили асосида Андижон вилоятида ёнғоқ етиштириш ҳажмининг прогноз қийматларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоятида ёнғоқ етиштириш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ёнғоқ етиштириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида қиёсий таҳлил, монографик ўрганиш, статистик таҳлил ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон ёнғоқ бозоридаги ўртача баҳолар асосида ёнғоқ навлари ва навсиз ёнғоқлар мевасининг ўртача баҳоси, йириклиги бўйича бозоргирлик ҳамда нисбий кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлик индекслари орқали баҳолаш юзасидан услубий тавсия ишлаб чиқилган;

агросаноат кластери тизимида асосланган ёнғоқ ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот савдоси билан шуғулланувчи интеграциялашган тузилма принципал схемаси тавсия қилинган ҳамда тузилманинг мақсади, вазибалари шакллантирилган;

интенсив ёнғоқ етиштиришда ёнғоқ кўчатларини сертификатлаш тизимини яратиш ҳамда навдор ёнғоқ кўчатларини экиш асосида плантациялар яратувчи тадбиркорларни бир навдор кўчат экилишининг иккинчи йилидан бошлаб 15 фоизлик ставкада субсидиялаш механизми орқали давлат томонидан рағбатлантириш йўналишлари тавсия қилинган;

ёнғоқ етиштириш соҳаларини интенсив ривожлантириш шароитида Андижон вилоятида грек ёнғоғини етиштириш ҳажмларини оширишнинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёнғоқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларнинг муҳим жиҳатларини мамлакатимиз иқтисодиётига татбиқ этиш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёнғоқчилик соҳасини интенсив ва ресурстежамкор технологиялар асосида ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишлари асосланган;

истиқболда ёнғоқни ички ва ташқи бозорда самарали сотиш тизимини (замонавий маркетинг усулларини) ташкил этиш орқали аҳоли даромадини оширишдаги аграр сиёсатнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методик ёндашув ва қўлланилган усуллар асосида асосланганлиги, маълумотлар базаси расмий манбалардан, монографик кузатувлар натижаларидан олинганлиги, таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар ёнғоқчиликни ривожлантиришнинг назарий асосларини бойитишда ҳамда мамлакат ёнғоқчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ёнғоқ етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишида давлат дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” “Бизнес режалаштириш” фанлари бўйича ўқув дастурларини тузиш ва таълим жараёнида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёнғоқ етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

интенсив ёнғоқчиликда ёнғоқ етиштириш иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 14 ноябрдаги №07/35-04/8383-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши интенсив ёнғоқчиликда ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

агросаноат кластери тизимига асосланган ёнғоқ ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот савдоси билан шуғулланувчи интеграциялашган тузилма бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 14 ноябрдаги №07/35-04/8383-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудуддаги қайта ишлаш қувватларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари асосланган;

интенсив ёнғоқ етиштириш тизимини ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантириш йўналишлари бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан

амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 14 ноябрдаги №07/35-04/8383-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар бир навдор кўчатга экилишининг иккинчи йилидан бошлаб кўчатни харид қилиш харажатларининг 15 фоизини қоплаш, шунингдек, субсидия олувчиларга экспорт тушумларининг 5 фоизини экспорт логистикасини ривожлантиришлари учун йўналтириш имкониятлари яратилган;

ёнғоқчилик тармоғини интенсив ривожлантириш шароитида Андижон вилоятида грек ёнғоғини етиштиришнинг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 14 ноябрдаги №07/35-04/8383-сон маълумотномаси). Натижада, интенсив ёнғоқчиликни ривожлантириш ҳисобига 2030 йилда вилоят бўйича ёнғоқ ялпи ҳосили ҳажми 2022 йилга нисбатан 2,47 маротабага, ёки 11109,5 тоннага ортиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 5 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган. Шундан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, 3 таси хорижий журналларда, 2 таси республика ва 5 таси халқаро конференциялардаги маърузалар тезислари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаларининг аҳамияти ва амалиётга жорий қилиниши баён қилинган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар.

Диссертациянинг **“Ёнғоқ етиштиришни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ёнғоқ етиштиришни ривожлантиришнинг объектив зарурияти, ёнғоқчилик соҳасининг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан баён этилган. Тармоқ самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда хорижий тажрибаларнинг аҳамиятга молик жиҳатларини республикамиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда аҳолини сифатли ва юқори каллорияга эга тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мажбурияти ёнғоқчилик тармоғини барқарор ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Зеро, мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароити, мавжуд деҳқончилик анъаналари ёнғоқчиликни ривожлантириш учун анча қулай ҳисобланади.

Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалигида ёнғоқчилик соҳаси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни инобатга олмасдан туриб соҳани ривожлантиришнингустувор йўналишларини аниқлаш ва таҳлил қилиш мураккаблик туғдиради. Тармоқни ривожлантириш бўйича илмий ҳамда амалий ёндашувларни тадқиқ қилиш асосида ёнғоқчилик соҳасининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича таснифлаш мумкин. Яъни,

ёнғоқчилик қишлоқ хўжалигининг рентабел соҳаларидан бири эканлиги ва ёнғоқ дарахтларининг узок умр кўриш имкониятининг мавжудлиги;

ёнғоқ бозорида ёнғоқнинг ўринбосар турлари мавжуд эканлиги;

анъанавий ёнғоқзорларда ҳосил бериш жараёнининг тез бўлмаслиги, интенсив боғларда эса ёнғоқ дарахтларининг нисбатан тез ҳосилга кириши;

ёнғоқ етиштиришнинг тупроқ-иқлим шароитига тўғридан-тўғри боғлиқлиги;

ёнғоқ дарахти ва мевасининг турли касалликлар ва зараркунандаларга чидамлилиги;

ёнғоқнинг бошқа мева турларига нисбатан кам харажат эканлиги ва бошқалар.

Албатта тармоқ самарадорлигини баҳолашда, хусусан иқтисодий самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва уларнинг ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришда ёнғоқ етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиниши зарур. Ёнғоқчилик соҳасининг самарадорлик кўрсаткичларини макро, мезо ва микродаражада тадқиқ этиш ёнғоқчилик соҳасини тўлақонли таҳлил этиш имкониятини яратади. Диссертацияда ёнғоқ етиштириш ва сотишнинг макро, мезо ва микродаражада иқтисодий кўрсаткичлари тизимлаштирилган.

Шундан келиб ҳолда, ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги баҳолаш бўйича қуйидагича услубий ёндашув таклиф этилмоқда(1-расм).

Умуман олганда, ушбу услубий ёндашув ёнғоқ етиштириш ҳолатига биринчидан аниқ баҳо берилиши, ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва ресурслардан самарали фойдаланишга ҳамда бизнес режаларни тузишда, лойиҳаларни самарадорлигини оширишда муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, диссертацияда хорижий давлатларнинг ёнғоқ ишлаб чиқариш ва сотишнинг самарали механизмлари бўйича аҳамиятга молик шаклланган тажрибалари таҳлил этилиб, ушбу тажрибаларни республикамиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган:

- ёнғоқ етиштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида субсидиялар (компенсациялар) жорий этилиши (Украина, ЕИ мамлакатлари тажрибалари);

- хорижий мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда семинар-тренинглар, “воркшоплар” ва илмий-амалий конференциялар ташкил этиш (АҚШ, Хитой, Россия ва Украина тажрибалари);

• мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш учун хорижий университетларга ўқишга юборишни ташкил қилиш (Хорватия ва ЕИ давлатлари);



1-расм. Интенсив ёнғоқчиликда ёнғоқ етиштириш иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими⁵

соҳада консалтинг ахборот-маслаҳат бериш тизими ва онлайн платформани яратиш (Хорватия ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар тажрибалари);

ёнғоқчилик соҳасида сотиш кооперативларини ташкил этиш (Франция, Италия тажрибалари);

ташқи бозорда қўшилган қийматни ошириш мақсадида ёнғоқни қайта ишлаш дастурини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ёнғоқчилик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ёнғоқ экспортини кучайтириш (Эрон тажрибаси);

ҳосилдорлиги юқори бўлган ёнғоқ турларини кўпайтириш (АҚШ, Хитой ва Эрон тажрибалари) ва бошқалар.

⁵Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Озиқ-овқат тармоғида ёнғоқ етиштиришнинг ҳозирги ҳолати” номли иккинчи бобида ёнғоқчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида таркибий ва миқдорий ўзгаришлар тенденцияси таҳлил қилинган, шунингдек, ёнғоқ ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда қайта ишлаш самарадорлиги таҳлиллари асосида мавжуд муаммолар аниқланган.

Республикамиз тоғ олди минтақасида лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар натижасида ҳудудларда ёнғоқ етиштириш ҳажми ортиб бормоқда. (1-жадвал).

1-жадвал.

Ҳудудлар кесимида ёнғоқ етиштириш ҳажми динамикаси(тонна)⁶

Ҳудудлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020й.	2021й.	2021 йил 2017 йилга нисбатан %
Ўзбекистон Республикаси	65463	59758	67733	79,1	79300	121,1
Қорақалпоғистон Республикаси	10	13	16	13	24	240,0
Андижон	12164	21146	22185	28392	26232	215,7
Бухоро	454	1909	2483	2545	2221	489,2
Жиззах	4436	6861	7288	7319	8644	194,9
Қашқадарё	3852	2306	1479	1853	1185	30,8
Навоий	1265	2175	3358	2720	2560	202,4
Наманган	6311	4847	5133	6802	6836	108,3
Самарқанд	18650	6903	11757	15670	15350	82,3
Сурхондарё	12537	6605	5289	5823	5797	46,2
Сирдарё	1148	794	1226	800	899	78,3
Тошкент	3338	3910	5398	6377	6529	195,6
Фарғона	1260	2284	2121	2940	3023	239,9
Хоразм	38	5	-	-	-	-

Таҳлилларга кўра, республикамизда 2017 йилга нисбатан 2021 йилда ёнғоқ ялпи ҳосили 21,1 фоизга ошган бўлса, ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 2,4 мартани, Андижон –2,1 мартани, Бухоро –4,9 мартани, Жиззах –1,94 мартани, Навоий –2,02 мартани, Тошкент –1,9 мартани, Наманган –1,8 мартани ва Фарғона вилоятида эса 2,39мартани ташкил этган. Аксинча ушбу йилларга мос равишда Қашқадарё вилоятида 30,8 фоизга, Самарқанд – 82,3

⁶Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

фоизга, Сурхондарё вилоятида эса 46,2 фоизга ёнғоқ етиштириш ҳажми пасайган.

Бунга асосий сабаб тоғ ва тоғолди ҳудудларида ёнғоқ ўрмонларини кесиб юборилаётганлиги, турли касалликларнинг пайдо бўлиши, навларнинг танланишидаги муаммолар, қолаверса, 2021 йилдаги минтақалардаги сув танқислиги жараёни ҳам бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Андижон вилояти ва Республиканинг ёнғоқ етиштириш бўйича кўрсаткичларини таққослайдиган бўлсак, Андижон вилоятида 2021 йилда 7022 тонна ёнғоқ етиштирилган, бу эса республика кўрсаткичидан 12,1 баробар кам, лекин вилоятда бу кўрсаткич 2017 йилга қараганда 1,6 мартаба ўсишга эришилганлигини кўришимиз мумкин. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ёнғоқ ҳажми бўйича эса йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Аммо, тиббиёт меъёрлари бўйича аҳоли жон бошига йиллик ўртача ёнғоқ истеъмоли 8 кг ни ташкил этса, мамлакатимизда бу кўрсаткич 2021 йилда 4,5 ёки меъёрга нисбатан 2,1 баробар кам истеъмол қилинаётганлиги кузатилмоқда.

Тадқиқотларда жараёнида бугунги кунда ёнғоқчилик соҳасида ёнғоқ етиштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш асосида уларни бартараф этиш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида сўровнома асосида респондентларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилди (2-расм).



2-расм. Ёнғоқчилик соҳасидаги асосий муаммолар тизими⁷
(жами респондентларга нисбатан фоизда)

⁷Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

Сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг мос нисбатда 40 фоизи касаллик ва ҳашоратларга қарши кураш тизимини йўлга қўйилмаганлиги, 28 фоизи қайта ишлаш, сотиш ва сақлаш тизимида, 35 фоизи серҳосил навларни етиштириш ва кўчатчилик тизимини ривожлантириш, 42 фоизи минерал ўғит етказиб бериш талабга жавоб бермаслиги, 37 фоизи техник хизмат кўрсатиш муаммосининг мавжудлиги, 25 фоизи соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва 27 фоизи томонидан бугунги кунда ёнғоқчиликда агрохизматларни амалга ошириш учун консалтинг марказларининг етишмаслиги каби асосий муаммолар ва камчиликлар аниқланди.

Маълумки, бозорларда ёнғоқ нархининг шаклланишига бир қанча омиллар бевосита таъсир қилади. Жумладан, ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар сони, ишлаб чиқариш ҳажми, уларнинг ҳудудий жойлашуви, хўжалик юритиш шакли, шунингдек, иқтисодий нуқтаи-назаридан аҳоли даромади, ёнғоқ баҳосининг тебраниши, талаб ва таклифнинг ўзгариши, бозор конъюктураси ҳам соҳа ривожланишида салмоқли таъсир доирасига эга омиллар ҳисобланади.

Ундан ташқари, маҳаллий ёнғоқ нави, янги навларнинг кириб келиши ва тарғиботи, илмий соҳанинг ривожланиши ҳамда экспорт ва импорт қонунчилиги, имтиёзлар тизими, ташқи бозорлардаги талаблар ва стандартлар ҳам ёнғоқни ички ҳамда ташқи бозорда самарали сотиш тизимини ташкил этишга таъсир кўрсатади.

Шу боис, диссертацияда ёнғоқни ички ва ташқи бозорда самарали сотиш тизимини ташкил этувчи мавжуд тузилмалар таҳлил қилинган. Тадқиқотлар кўрсатишича, мамлакатимизда ёнғоқ етиштирувчиларда маркетинг муаммолари ечимлари юзасидан таҳлилий-тадқиқот ишлари олиб борувчи махсус ихтисослашган муассасалар мавжуд эмас. Амалиётда хўжаликлар ўзлари маркетингнинг энг содда усулларидан фойдаланиб бозорларда ўз фаолиятларини ташкил этиш йўллари таҳлил этади ва хулосаларни шакллантиради. Давлат идоралари функцияларида ҳам маркетинг тадқиқотлари олиб бориш вазифаси назарда тутилган бўлсада, аммо амалиётда улар бу масалага етарлича эътибор қаратишмайди.

Андижон вилоятида етиштирилган ёнғоқларни сотиш каналларитаҳлили кўрсатишича, жами етиштирилган ёнғоқнинг аксарияти деҳқон бозорларида, супермаркетлар ёки дўконлар, турли ярмаркаларда, кўчма савдо дўконларида ва хўжалик даласида сотилган.

Асосий муаммо, тадқиқот ўтказилган ҳудудлардаги бозорларда ёнғоқ нархи шаклланишида асосан ишлаб чиқарувчилар ҳамда харидорлар ўртасидаги “норасмий воситачи”ларнинг мавжудлиги, ёнғоқ нархини ўрта ҳисобда ҳар бир босқичда 25-30 фоизгача қимматлашиб боришига замин яратмоқда.

Умуман олганда, ёнғоқ ва ёнғоқ маҳсулотларини сотиш тизимида замонавий маркетинг усуллари қўллаш, маҳсулотни қайта ишлаш, истеъмолчига сифатли ҳамда органик маҳсулотни етказиб бериш бугунги барқарор ривожланишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Турли усулларда бир гектар майдонда ёнғоқзорлар ташкил этиш, парваришlash харажат ва даромадлари, шунингдек самарадорлик кўрсаткичлари қиёсий таҳлилишуни кўрсатадики, энг кам минимум даражадаги

ҳосилдорлик ва маҳсулот нарҳини чакана баҳолардан 25-30 фоиз кам баҳоларда ҳисобланган ҳолатда ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришдан анъанавий усулда ҳар гектар ердан олинадиган даромад 42059-51467 минг сўмни, интенсив усулда эса 86838-103549 минг сўмни ташкил этади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражалари мос равишда 150,4 ва 329,5 фоизга тенг бўлган (2-жадвал).

2-жадвал.

Бир гектар ер майдонда турли усулда ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2021 йил баҳоларида)⁸

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Анъанавий усулда, навлар бўйича		Интенсив усулда, навлар бўйича		
		Идеал	Chandler	Идеал	Chandler	
1 гектар ер майдонда ёнғоқзор барпо этиш харажатлари.	минг сўм.	13164	14926	133657	136755	
1 гектар ёнғоқзорни йиллик парваришlash харажатлари, (тўлиқ ҳосилга кирганда)	Жами	14577	15491	19446	22263	
	Иш ҳақи	5559	5915	7414	7919	
	Моддий ва бошқалар	9018	9576	12032	14344	
Ёнғоқзорларнинг асосий ҳосилга кириш муддатлари	5 йил	ц/га	5,3	8,4	10,5	16,4
	7 йил	ц/га	10,1	15,3	22,2	32,1
	10-15 йил	ц/га	25	31,2	54,4	65,5
Ўртача 1 гектар ёнғоқзордан (тўлиқ ҳосилга кирганда)	Тушум	минг сўм.	36500	45552	79424	95630
	Даромад	минг сўм.	42059	51467	86838	103549
	Соф фойда	минг сўм.	21923	30061	59978	73367
Рентабеллик даражаси	%	150,4	194,1	308,4	329,5	

Демак, бир гектар ёнғоқзор барпо этиш билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқлар интенсив усулда 8-9 мартага юқорилигини кўриш мумкин. Умуман олганда, қуйидаги жиҳатлар орқали интенсив усулда ёнғоқ етиштириш самарали эканлигини таъкидлаш мумкин:

–интенсив усулда бир гектар ер майдонига жойлаштириладиган кўчатлар сонининг 3-4 марта кўп бўлиши;

–интенсив усулда томчилатиб суғориш орқали сувдан ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш имкониятларининг юқорилиги;

⁸ 2016-2021 йиллар учун мўлжалланган “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулотларни етиштириш бўйича намунавий технологик карталар” ва муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида ҳисоб китоб қилинган

–маҳсулот етиштиришда меҳнатни механизациялашганлик даражасининг юқорилиги;

–маҳсулот сифатини назорат қилиш ва бошқаришнинг қулайлиги;

–касаллик ва зараркундаларга қарши кураш қулайлиги ҳамда таъсирчанлигининг юқорилиги;

–интенсив усулда барпо этилган боғларни тез мевага кириши ва тегишли агротехник тадбирларни амалга ошириш имкониятининг юқорилиги;

–маҳсулотни йиғиштириб олиш ва бошқа агротехник тадбирларни амалга оширишнинг қулайлиги;

– интенсив усулда боғ барпо этиш билан боғлиқ харажатлар юқори ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига боғ тўлиқ ҳосилга киргандан сўнг 3-4 йил муддатда тўлиқ қопланиши ва бошқалар.

Диссертациянинг “**Ёнғоқ етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш**” номли учинчи бобида ёнғоқ етиштириш ва уни қайта ишлаш тизимининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ҳамдасоҳа ривожига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро таъсир даражаларини баҳолаган ҳолда ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари асосланган.

Маълумки, ёнғоқчилик соҳасини ривожлантиришнинг мавжуд ташкилий механизмлари таҳлили тармоқдабозор муносабатлари унсурларини кенг жорий этилмаётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда ёнғоқчиликни ривожлантиришда кенг тарқалган йўналишлардан бири кластер тизими ҳисобланиб, соҳада инновацион ривожланишни таъминлаш ва ишлаб чиқариладиган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда уларнинг ўрни жуда муҳимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда ёнғоқ ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда интеграциялашган тузилмалар схемаси таклиф этилмоқда (3-расм). Бу тузилманинг асосий бўғини қайта ишловчи бўлиб, у мазкур тузилма барча иштирокчиларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларини белгилайди.

Интеграциялашган тузилмага молиявий жиҳатдан барқарор бўлган ташкилотлар бошқа иштирокчиларга зарар келтирмаган ҳолда кириши мумкин. Амалда бундай ташкилотлар айниқса қишлоқ хўжалигида камлиги сабабли, турли шаклларда олдиндан санация қилиш зарур, жумладан келажакда олинадиган ҳосил учун кредит бериш, ижара муносабатларини расмийлаштириш, ёнғоқ етиштириш, йиғиш ва бошқалар учун шартнома тузиш.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва етказиб бериш географиясини кенгайтириш интеграциялашган тузилмага мустақил бирлик – ташишни ташкил этувчи компаниянинг қўшилишига тўртки бўлиши мумкин. Бу эса, таваккалчиликни пасайтиришга имкон беради. Чунки ҳар бир субъект буюртмалар портфелига асосан асосий фаолият турини бажаради.

Шу билан бир вақтда тузилмани ташкил этувчи корхона ҳар бир ҳамкорнинг молиявий ҳолатини ҳисобга олиши зарур. Бу молиявий ва моддий оқимлар ўртасидаги оптимал нисбатни топиш мақсадида ички ҳисоб китобларни амалга ошириш, товар кредитларининг шакли ва масштабларини баҳолаш учун зарур.



3-расм. Кластер тизимига асосланган ёнғоқ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш интеграциялашган тузилма принципал схемаси⁹

Истиқболда ёнғоқчилик соҳасини ресурстежовчи технологиялар асосида ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш талаб этилади. Шунинг учун ушбу қўллаб-қувватлаш дастаклари текисликдаги, тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги ёнғоқчилик хўжаликлари ўртасида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув, биринчидан, ёнғоқчиликда маълумотлар базасини шакллантиришга замин яратса, иккинчи томондан, соҳада ягона ва замон талабларига жавоб берадиган давлат технологик сиёсатини юритишга имкон беради. Учинчидан, соҳадаги ёнғоқчилик хўжаликлари фаолияти мониторингини юритишга, хўжаликлар фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тезкор қарор ва хулосаларни амалиётга жорий этишга имкон беради. Тўртинчидан, ёнғоқчилик хўжаликлари рейтингини аниқлаш асосида уларни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларида шаффофликни таъминлайди.

Шунингдек, ёнғоқчилик тармоғи самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий рағбатлантиришнинг қуйидаги йўналишлари таклиф этамиз (3-жадвал).

⁹Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Интенсив ёнғоқ етиштириш тизимини ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантириш йўналишлари¹⁰

Рағбат-лантириш йўллари	Тадбирларнинг номланиши	Молиявий манбаси
Сифатли кўчатлар етказиб берувчиларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш	- экспортбоп ёнғоқ кўчатлари етиштириш ва кўчатларни сертификатлаш тизимини яратиш; - наводор ёнғоқ кўчатлари экиш асосида плантациялар яратувчи тадбиркорларни субсидиялаш амалиётни жорий қилиш. Бунда ҳар бир наводор кўчатга экилишининг иккинчи йилидан бошлаб кўчатни хариб қилиш харажатларининг 15 фоизини қоплаш механизмининг жорий қилиш тавсия этилади.	Тижорат банклари маблағлари, Хусусий инвесторлар маблағлари, Турли жамғармалар маблағлари
Ёнғоқ зорлар ташкил қилувчи тадбиркорларга хизматлар кўрсатиш ва ахборот таъминоти тизимини яратиш.	- ёнғоқ ва ёнғоқ маҳсулотлари етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар тўғрисидаги маълумотлар акс этувчи маълумотлар базаси, платформани яратиш ва тўлиқ ишлашнинг таъминлаш; - ташқи бозорларни ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб боровчи консалтинг хизматлари ташкил этиш ва уларнинг материалларини махсус интернет-сайтларида, форумларда эълон қилиш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Хорижий молиявий институтлар кредитлари ва грантлари
Ёнғоқчилик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш	- Ёнғоқ етиштириш ва экспортида илғор давлатлардан агроном олимлар, маркетинглар, фермерларни юртимизга ташрифини таъминлаш ва ўқув машғулоти, тренинглар ташкил қилиш; - ёнғоқчилик билан шуғулланувчи, соҳанинг илм-фани билан банд бўлган кадрларни ёнғоқ етиштириш соҳалари ривожланган хорижий мамлакатларда стажировкаларини амалга ошириш.	Халқаро грантлар, Тадбиркорлик субъектлари маблағлари, Давлат жамғармалари маблағлари
